# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 26 (8.916) * 1997 йил 3 март, душанба * Сотувда эркин нархда


# ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ АЛМАТИ УЧРАШУВИ

**АЛМАТИ, 28 февраль. (ЎзА махсус мухбири Муҳаммад ШАРИФ хабар қилади).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича олий даражадаги учрашувида иштирок этиш учун бугун Қозоғистон Республикаси пойтахти Алматига келди.

Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида, бугунги кунда Орол фожиаси аллақачон халқаро аҳамият касб этгани ва уни бартараф этиш фақат ушбу минтақадаги давлатлар эмас, балки, йирик халқаро молиявий ташкилотларнинг ҳам ўзаро бош қовуштириб фаол ҳаракат қилишини такозо этади, деб алоҳида таъкидлади. Зеро, Орол ҳалокати оқибатлари миллионлаб кишилар ҳаётига дахл қилади.

Шу маънода, Алматида Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон Президенти А. Акаев, Туркманистон Президенти С. Ниёзов, Тожикистон Президенти И. Раҳмонов ўртасида бўлган суҳбат ишчан ва амалий руҳда ўтди дейиш мумкин. Президент Н. Назарбоев Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармасининг ўтган давр мобайнида амалга оширган ишлари ҳақида ахборот берди. Шунингдек, президентлар мазкур жамғарма маблағини ташкил этиш бўйича қабул қилинган давлат раҳбарлари кенгаши қарорининг ижроси, Орол муаммоси билан шуғулланаётган минтақавий муассасалар мақоми, Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш ижроия қўмитаси ва жамғарма бошқарув кенгаши таркиби ҳамда Орол бўйидаги экологик аҳволни яхшилашга қаратилган дастурнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Шундан сўнг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги мажлиси бўлди. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармасининг Президенти этиб тасдиқланди. Маълумки, шу пайтгача бу вазифани Президент Н. Назарбоев бажариб келган эди.

Олий даражадаги учрашув қатнашчилари 1998 йилни Марказий Осиёда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш йили деб эълон қилишни таклиф этдилар. Улар, шунингдек манфаатдор мамлакатларни минтақани ядросиз зона, деб эълон қилиш ғоясини қўллаб-қувватлашга даъват этдилар.

Учрашув якунида томонлар Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш масалалари бўйича Алмати декларациясини қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куниёқ Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзА)

*Муҳаррир устуни*

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида 26 февраль куни бўлиб ўтган мажлисда сўзлаган нутқида мамлакатимизнинг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти якунлари, бу йилги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари ҳар тарафлама чуқур таҳлил қилиб берилди.

Маълумки, 1997 йил давлатимизда Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган. Аммо бундан бизда ушбу жуда муҳим масалани ҳал этишга энди киришиляпти, деган маъно англашилмаслиги лозим. Республикамизда бутун ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳимояси, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини яратишга биринчи даражали аҳамият берилиб келинди.

Аммо бугунги кунда инсон манфаатларини таъминлаш вазифалари мутлақо янгича — инсоннинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш тарзида қўйилмоқда.

Инсоннинг иқтисодий манфаатлари — унга муносиб турмуш кечириш учун шарт-шароитлар ва қулайликлар яратиш демакдир. 1997 йилда бу йўналишда жуда катта вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантирмоқда. Бунда хусусий мулк, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият беріляпти. Ҳозир республикадаги хусусий ва кичик корхоналарнинг сони 100 мингтага яқинлашиб қолгани уларнинг ҳаётимизда воқеликка айланганидан яққол далолат бериб турибди.

Ҳукуматимиз иқтисодиёт бу соҳаси йўлидаги барча тўсиқларни қатъият билан олиб ташлаш чора-тадбирларини белгиламоқда. Бу ишга ҳалақит берадиган турли тўралар, юлғич ва таъмагирлар шафқатсиз суратда жазоланади.

Халқаро ва хорижий молия ташкилотлари маблағларидан оқилона, самарали фойдаланиш хусусий ва кичик тадбиркорликни янада ривожлантиришга катта туртки бўлади. Бу ташкилотлар таклиф этаётган кредитлар ҳозирнинг ўзида 350 миллион АҚШ долларига етди. Аммо уларни ишлатиш учун истиқболли ва пухта лойиҳалар, иқтидорли ва ташаббускор тадбиркорлар керак.

Мамлакатимиз экспорт имкониятларини кенгайтиришда ҳам хусусий ва кичик тадбиркорлик етакчи ўринни эгаллаши мумкин, ҳатто зарур. Чунки, бу соҳа табиатан бозор талабига ўта ҳозиржавоб, тез ўзгарувчан, ҳаракатчандир. Экспортни ривожлантиришда катта натижаларга эришганлик учун йиллик Миллий мукофотларни таъсис этиш мўлжалланаётгани улар учун қўшимча рағбат вазифасини ўташи керак.

Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда, умуман, экспорт салоҳиятимизни кескин ошириш масаласи яна бир бор ўткир қилиб қўйилди. Бунинг учун технологик жараён тугал бўлишига, жўнгина айтганда маҳсулотни тайёр ҳолда четга чиқаришга эришиш зарур бўлади. Шу билан бирга собиқ машъум умумиттифоқ ихтисослашувига мувофиқ республикамиз ҳудудида жойлаштирилган корхоналар тақдирини ҳал этиш ҳам бугунги кунда жуда муҳимдир. Энди улар олдида икки йўл турибди: бу корхоналар тезда ё рақобатбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиради, ё улар келажаги йўқ корхона сифатида ёпилади. Бу бозор иқтисодиётининг оғриқли, аммо қатъий талаби.

Янгича шароитларда ишлаш учун маркетинг, яъни бозор талабларини ўрганиш билан жиддий шуғулланиш зарур. Акс ҳолда маблағ, моддий-техника ресурслари, меҳнат беҳуда сарфланиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳозир талайгина корхоналаримизда бўлгани каби фақат омборларни тўлдириб, чанг босиб ётиши мумкин.

Сиёсий ислоҳотларни жадаллаштириш, жамиятимиз ҳаётида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш ҳам инсон маънавий манфаатлари доирасига киради. Ҳукуматимиз тегишли давлат ва ижтимоий тизимлар билан биргаликда инсон манфаатлари ҳимоясини амалга оширишнинг 1997 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқди. Шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, инсон ҳуқуқи ҳимоясини таъминлаш, унинг маданий, маънавий, интеллектуал лаёқатини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш мазкур Дастур негизини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари бу Дастурда белгиланган чора-тадбирлар ҳар бир фуқаро, ҳар бир шаҳар ва қишлоқ ҳаётида ўз ифодасини топиши, улар одамларга бунёдкорлик кайфияти бағишлаши зарурлигига алоҳида эътиборни қаратди. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси жонини жабборга бериб, тер тўкиб ишлаган тақдирдагина кўзланган бу улуғ мақсадларга эришиш мумкинлиги ҳамма томондан идрок этилиши даркор.

Бундай ҳақиқий ватанпарвар, фидойи фуқароларимизга Германия, Жанубий Корея, Италия каби тараққий этган давлатларда қисқа фурсатда замонавий касбларни эгаллаган ажойиб ёшларимиз мисол қилиб келтирилди. Улар «ДЭУ», «Саламандер» каби номдор компаниялар ишчи ва мутахассислари билан баббаравар рақобатлаша олишларини амалда исботладилар. Ходимлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларини қамраб олиши мўлжалланаётган Миллий дастурнинг тузилиши истеъдодли ва салоҳиятли йигит-қизларимизга билим ва касб чўққиларини эгаллашлари учун қанот бўлиши шубҳасиздир.



*«Малика» ҳиссадорлик жамияти чеварлари аҳоли учун турли-туман кийим-кечаклар билан биргаликда ҳарбийлар учун ҳам кийим-бошлар тикишни йўлга қўйишди.*
*СУРАТДА: цехнинг умумий кўриниши.*

*Сергей Михайлов олган сурат.*

*Истиқбол*

## КЕЛАЖАККА ЮЗ ТУТГАН ПОЙТАХТ

***1 март куни Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда Тошкент шаҳрини қайта қуриш ва обод қилишни давом эттириш тўғрисидаги қарорини бажариш вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республика вазирликлари ва идоралари, қурилиш ва лойиҳа ташкилотларининг раҳбарлари, Тошкент шаҳри туманларининг ҳокимлари иштирок этдилар.***

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков олиб борди.

Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ҳукуматнинг ушбу қарори асосида 1997 йилда ва яқин келажакда пойтахтни қайта қуриш ва обод этиш вазифаларига тўхталди.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ 1997 йилда Тошкент шаҳрида пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 25 миллиард сўмлик, 1996 йилдагидан 53 фоиз кўп қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилиши мўлжалланмоқда. Давлатимиз пойтахтида қатор ноёб мажмуа ва бинолар қад кўтариши билан бир қаторда уй-жой, ижтимоий соҳа иншоотлари қурилиши кескин ортади. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод этиш ишлари кўлами янада кенгаяди. Замонавий, кенг ва равон кўчалар барпо этилади. Инсон манфаатлари йилида шаҳарда тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари, спорт билан шуғулланишларига зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилади. Жумладан, маданият ва истироҳат боғлари таъмирланади, янги спорт иншоотлари барпо этилади, кўча ва хиёбонлар кўкаламзорлаштирилади.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда Тошкент шаҳрини қайта қуриш ва обод қилишни давом эттириш тўғрисидаги қарорини бажариш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ҳақида бир қатор вазирлик ва идоралар, қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

***(1997 йилда Тошкент шаҳрини қайта қуриш ва обод этиш режалари газетада батафсил ёритилади).***

*Ҳуқуқ*

## ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Мустақилликдан сўнг ўтган 5 йил ичида мамлакатимизда қабул қилинган 300 дан ортиқ қонундан 100 га яқини инсон ҳуқуқларига доир эканлиги ҳам Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти асослари барпо этилаётгани далолатидир.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, республика парламенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ томонидан ўтказилган «Инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг қонунчилик асослари» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда ҳам ана шу масала хусусида сўз борди.

Анжуманни Олий Мажлис раисининг ўринбосари А. Қосимов кириш сўзи билан очди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг охирги сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинган «Олий мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А. Саидов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова ва бошқалар ушбу янги вакиллик институтининг ташкил этилиши республикамизнинг бундан кейинги тараққиётида нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигига батафсил тўхталиб ўтишди.

Ҳозир жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатида Омбудсман фаолият кўрсатмоқда. Жуда кўплаб халқаро ташкилотларга аъзо бўлган, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи 21 та халқаро ҳужжатларга имзо чеккан республикамизда Марказий Осиё мамлакатлари ичида биринчи бўлиб инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи Олий Мажлис вакили тизимининг ташкил этилишини муҳим тарихий воқеа сифатида баҳолаш мумкин.

Ушбу қонун лойиҳасининг ихчам, пурмаъно, ўз удум ва қадриятларимиз акс этган ҳамда жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқилишида республикамизнинг тажрибали ҳуқуқшунос ва олимлари, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси билан боғлиқ идора ва ташкилотлар ходимларининг, БМТ нинг Ўзбекистондаги ривожланиш дастури эксперти Д. Готерер каби олимларнинг фикрлари инобатга олинди. Энг муҳими, республикамизда Омбудсман, яъни халқ ҳимоячиси тизими шаклланганидан сўнг ўтган қисқа муддат ичида фуқаролардан тушган 700 га яқин аризалар кўриб чиқилиб, тегишли тавсиялар берилди.

Анжуман давомида қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, уни жаҳон андозалари даражасига етказишда муҳим ўрин тутувчи таклиф, мулоҳаза, фикрлар билдирилди. Умумхалқ муҳокамаси чоғида тушган таклифларни умумлаштириш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.

*Дилмурод ИСМОИЛОВ.*

*Кино*

## СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ

Пойтахтдаги Киночилар уйида «Буюк Амир Темур» бадиий фильми томошабинларга ҳавола этилди ва муҳокама қилинди.

Шу муносабат билан фильмни саҳналаштирувчи режиссёри Исамат Эргашев қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мен режиссёр сифатида кўпдан буён соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ҳақида бирор фильм яратишни орзу қилиб юрардим. Барча ижодкорлар қатори мени ҳам Амир Темурнинг шон-шавкатли ва айни пайтда изтиробларга тўла умри ниҳоятда қизиқтирарди.

Биз мазкур фильмни Самарқанд, Туркманистон чўллари ва Иссиққўл бўйларида суратга олдик. Фильмда тарихий давр руҳи ҳукмрон. Унга мос мусиқа янграйди. Улуғ давлат раҳбари сиймосини истеъдодли кино ва театр актёри Беҳзод Муҳаммадкаримов гавдалантирди. Унинг қарашлари, теран фикрлари, барваста қомати тимсолида жаҳонгир қайта дунёга келади.

Бизнинг асосий мақсадимиз Амир Темур юртига, унинг халқига яна бир карра ўлмас сиймо нафасини қайтаришдир. Соҳибқирон образи ҳали кўплаб саҳна ва кино асарларига мавзу бўлади, деб ўйлайман.

Фильм таниқли адабиётчилар, санъатшунослар, киношунослар муҳокамасига қўйилди. Шуҳрат Аббосов, Ҳамидулла Акбаров, Бўрибой Аҳмедов, Наим Каримов, Мелс Абзалов асар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

* * *

Киночилар уйида Корея Халқ Демократик Республикаси кинофестивалининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Фестиваль давомида Корея киноусталари томонидан суратга олинган: «Эҳ, ёшлик», «Хон Гил Дон», «Корея тэквондоси» ва «Корея Халқ Армияси» бадиий ва ҳужжатли фильмлари намойиш этилди.

*Моҳира КАРИМОВА.*

*Каратэ*

## ШОҲСУПА ТЎРИДА

Тошкентда мамлакатимизда тобора оммалашиб бораётган каратэнинг кекусинкай услуби бўйича клублар ўртасида республика биринчилиги учун мусобақалар ниҳоясига етди.

Шаҳримиздаги «Лотос» клуби аъзолари биринчиликка техникавий жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрганликларини намойиш қилдилар. Улар барча вазн тоифаларида ғолиб чиқишди. Жумладан, Александр Цой 70 килограммгача вазнлилар орасида ғолиб чиққан бўлса, 80 килограммгача вазнда Дмитрий Маховга тенглашадиган спортчи топилмади. Оғир вазнлилар орасида Валерий Эшмуродов энг яхши натижага эришди.

Мусобақа якунлари кекусинкай мухлислари фақат республикамиз пойтахтида эмас, балки вилоятларда ҳам борлигини кўрсатди. Мусобақада қашқадарёлик спортчиларнинг дурустгина иштирок этгани ана шундан далолат беради.

*Озод ҲАКИМОВ.*

*Шахмат*

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ҒОЛИБЛАР ҚАТОРИДА

Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳридаги анъанавий халқаро мусобақаларда иштирок этган шахматчиларимиз салмоқли ғалабаларни қўлга киритдилар. Хусусан, халқаро гроссмейстер Александр Ненашев турнирнинг энг иқтидорли шахматчилари билан бир хил очкони қўлга киритиб, 1—3 ўринларни бўлишиб олган бўлса, Сайдали Йўлдошев ва Сергей Загребельнийлар ушбу мусобақаларда кучли ўнликка киришди.

Мазкур турнир тугаши билан Сайдали Йўлдошев ва Дмитрий Қаюмовлар Бангладешдаги йирик халқаро турнирда қатнашиш учун жўнаб кетишди.

*Мамажон МУҲИДДИНОВ.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Кўмир» ҳиссадорлик жамияти билан Германиянинг «Крупп Хеш-Шталь» концерни ўртасида «Ангрен» кўмир конини модернизация қилиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Бу ерда Германиядан келтириладиган энг замонавий машина-ускуналар ёрдамида 2001 йилга бориб кўмир қазиб олишни қарийб икки баробарга кўпайтириб, йилига 5 миллион тоннага етказиш режаланган.

● Тўйтепа шаҳрида Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятлари шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган назорат инспекциялари раҳбарларининг семинарида текширувлар самарадорлиги ва ошкоралигини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

● Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг Тошкентда бўлиб ўтган навбатдан ташқари конференциясида Олий Мажлис сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинган «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ҳамда «Журналистларнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари муҳокама этилди, фонднинг ярим йиллик фаолияти юзасидан ахборот тингланди. «Ҳуррият» газетасининг бош муҳаррири Хуршид Дўстмуҳаммад фонд ҳамраиси этиб сайланди.

● Тошкентда Словакиянинг «Яс» (аввал «Цебо» номи билан шуҳрат қозонган фирма) ҳиссадорлик жамиятининг ваколатхонаси очилди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

● Россия ва Белоруссия Президентлари Борис Ельцин билан Александр Лукашенко ҳар икки мамлакатда ўзаро бирлашиш тўғрисида бир кунда умуммиллий референдум ўтказишга аҳдлашиб олдилар.

● Санкт-Петербург губернатори Владимир Яковлев ҳозир фаолият кўрсатаётган Ҳамдўстлик давлатлари Парламентлараро ассамблеяси негизида ҳар йили Швейцарияда ўтказиладиган машҳур Давос форумига ўхшаган иқтисодиёт масалалари бўйича анжуман ўтказиш ташаббусини олға сурди.

● Тожикистон ташқи ишлар вазирлиги Россия оммавий ахборот воситалари жамоатчиликни чалғитадиган нотўғри маълумотлар эълон қилаётганлиги муносабати билан махсус нота қабул қилди.

● Россияда қиймати 500 минг рубль бўлган янги қоғоз пул 17 мартдан муомалага киритиладиган бўлди. У мамлакатда ҳозир муомалада бўлган ҳамма қоғоз пулларнинг қарийб 60 фоизини ташкил этадиган 100 минг рубллик банкнотларнинг тахминан ярмини алмаштиришга мўлжалланган.

### ХОРИЖДА

● Албанияда аҳоли пулларини жалб қилган молия ташкилотлари касодга учраши туфайли маблағларидан ажралиб қолган мамлакат фуқароларининг норозилик намойишлари Влера шаҳрида қуролли исёнга айланиб кетди. Бу шаҳар аҳолиси ҳуқуқ-тартибот хизматчилари шу ердаги университет студентларига нисбатан куч ишлатгандан сўнг қурол-яроғ аслаҳахонасини қўлга киритиб, амалда ҳокимиятни ўз қўлига олди. Мамлакат бошқа шаҳарларида ҳам ғалаёнлар бошланди. Шу муносабат билан Албания ҳукумати истеъфога чиқди. Парламент эса мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этди. Мухолифатчилар энди муддатидан олдин сайлов ўтказилишини талаб этяптилар.

● НАТО Бош котиби Хавьер Солана шу ҳафта охирида Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйлаб сафар қилади. У Россиядан сўнг Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистонда ҳам бўлишни мўлжалламоқда.

● Исроил Шарқий Қуддусда яҳудийлар учун янги турар жойлар қуриш тўғрисида қарор қабул қилганлиги муносабати билан араб мамлакатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашидан зудлик билан ушбу масалани муҳокама қилишни талаб этдилар.

● Франция Президенти Жак Ширак НАТОнинг кенгайиши муаммосини муҳокама этиш учун АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия ва Франция раҳбарларининг олий даражадаги учрашувини ўтказиш тўғрисидаги ғоясига содиқлигини яна бир бор тасдиқлади. Маълумки, АҚШ шундай учрашув ўтказилишига қарши чиқяпти.

● Эрон шимоли-ғарбида содир бўлган зилзила оқибатида камида 200 киши ҳалок бўлган, юзлаб кишилар жароҳат олган, деб ҳисобланмоқда. Маъмурлар хабарларига кўра табиий офат рўй берган жойда 83 қишлоқ вайрон бўлган, 35 минг киши бошпанасиз қолган. Олти балл кучга эга зилзила Арманистонда ҳам қайд қилинди. Аммо бу ердан қурбонлар ва вайронагарчиликлар тўғрисида хабарлар олинмади.


## «ОҚШОМ»НИНГ УШБУ СОНИДА:

*❑ Бундан 4-5 йил аввал мактаб ўқувчилари учун дафтарлар танқислиги авж олган эди. Бугунги кунда «Ўзбек қоғози» қийинчиликларни ортда қолдирмоқда.*

*❑ Ҳамдўстлик давлатларининг ҳали биронтасида зилзилабардош уйларни синаб кўриш имконияти бўлмаган. Аммо бизнинг юртимизда шундай уйларни нафақат синаш, балки тўғридан тўғри қурилиб, битказилгандан сўнг синаб кўриш имкониятига эга бўлмоқдамиз.*

2-БЕТ

*❑ Улуғ аллома адибимиз Алишер Навоий ижодий меросини ўрганишда, албатта, бу зотнинг бизга қолдириб кетган асарлари муҳим аҳамиятга эга.*

*❑ Фуқароларимизнинг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқлари таъминланиб, муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг чиқиши юртимиздаги барча мусулмонлар кўнглини беҳад шод этди.*

*❑ Ер юзида тарқалган туз гумбазлари табиатнинг қизиқарли ҳодисаларидан бири ҳисобланиб, уларнинг пайдо бўлиши ҳозирга қадар кўпчиликни қизиқтириб келмоқда.*

3-БЕТ

*❑ Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган беқиёс ўзгаришларни шакллантириш йўлида астойдил ижод қилаётган матбуотимиз фидойиларини рағбатлантириш мақсадида ҳар йили «Йилнинг энг яхши журналисти» танловини ўтказмоқда.*

*❑ Газетанинг бу саҳифасида берилган савол-жавоб жуда кўплаб мухлисларимизни қизиқтириши турган гап. Бундан ташқари ана шу саҳифадан тижорат ва рекламалар ҳам ўрин олган.*

4-БЕТ

